

**«ЎЗБЕКИСТОН БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИ  
ИСЛОҲ ҚИЛИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ  
МУАММОЛАРИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТ  
РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИНИ  
КУЧАЙТИРИШ»**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2003 йил 3 июн**

**МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ**

**«ПРОБЛЕМЫ УГЛУБЛЕНИЯ  
РЕФОРМИРОВАНИЯ БАНКОВСКО-  
ФИНАНСОВОЙ СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА И  
УСИЛЕНИЕ ЕЕ ВОЗДЕЙСТВИЯ  
НА РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИКИ»**

## БАНК ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Тижорат банклари, Молия вазирлиги томонидан бюджет тақчиллигини қоплаш ёки қандайдир йирик тадбирларни мақсадли молиялаш учун чиқарилаётган давлат қисқа муддатли облигацияларини (ДҚМО) сотиб олиш орқали ўз воситаларини инвестициялашда қатнашадилар.

Бироқ, 1996-2000 йиллар мобайнида ДҚМО нинг даромадлилиги бўйича маълумотларни таҳлил қилиб чиқиш шуни кўрсатмоқдаки, унинг даромад келтириши, ўртача олганда, камайиш тенденциясига эга: агар 1996 йилнинг март ойида ДҚМО нинг даромад келтириши, оддий фоизлар бўйича 62,48% ни ташкил қилган бўлса, 2000 йилнинг шу ойига келиб ушбу кўрсаткич фақатгина 15,63% ни ташкил этди.

Ҳақиқатдан ҳам, давлат бюджети тақчиллиги ва инфляция даражаси пасайиши билан ДҚМО га талаб ҳам камаяди ва реал иқтисодиёт банк капитали даромад келишининг асосий манбаи бўлиб қолади.

Банк инвестициялари самарадорлигига келсак, уни баҳолаш учун бу инвестицияларнинг самарадорликка бевосита таъсирини ҳар томонлама аниқлашга имкон берувчи кўрсаткичлар тизими талаб этилади. Банк инвестициялари ёрдамида ечиладиган мақсадли вазифалар ниҳоятда кўп қирралидир. Банк инвестициялари ёрдамида бир жойда тақчил маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш муаммоси ечилса, бошқа жойда — ижтимоий соҳани ривожлантириш масаласи, учинчи ерда — экологик ҳолатни яхшилаш муаммоси ва ҳ.к. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бир-биридан фарқ қилади. Бунда самарадорликка ҳам банклар манфаатлари нуқтаи назаридан, ҳам жамият, давлат ёки минтақа манфаатлари нуқтаи назаридан туриб баҳо бериш керак бўлади.

Банк инвестициялари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш учун, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи муайян бир объект қурилиши учун амалга оширилаётган бўлса, у ҳолда унинг самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш керак бўлади:

- ялпи ва соф маҳсулот ўсишининг бир бирлик инвестицияга тўғри келувчи миқдори;
- инвестиция ҳисобига олинган қўшимча фойданинг бир бирлик инвестиция, сарфланган харажат асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келувчи миқдори;
- асосий фондларга қўйилаётган инвестицияларнинг қопланиш муддати;
- жонли меҳнат ишлаб чиқариш даражасининг инвестиция эвазига ўзгариши;
- ишчи ходимлар меҳнатига тўланаётган ҳақ даражасининг инвестиция натижасидаги ўзгариши.

Банк инвестицияларининг самарадорлигини тўла тавсифлаш учун ушбу “соф иқтисодий кўрсаткичлар” билан бир қаторда қўшимча равишда қуйидаги маълумотларни ҳам аниқлаш лозим бўлади:

- мамлакат, минтақа ва ҳоказолардаги экологик вазиятни ўзгариши;
- аҳоли бандлиги ва ижтимоий соҳа ҳолатига таъсири;
- ишлаб чиқаришни рақобатбардошлиги, унинг маҳсулотини экспортбардошлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг ўзгариши.

**Садыкова С.М. - Научный сотрудник БФА**

## **ПРОЕКТНОЕ ФИНАНСИРОВАНИЕ – КАК МЕТОД ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ**

На современном этапе развития экономики важное значение приобретают вопросы привлечения иностранных инвестиций, и особенно эффективность их использования с учетом обеспечения экономической независимости страны.

1. На сегодняшний день проектное финансирование получило широкое распространение и стало не просто новым видом услуг в банке, а превратилось в настоящий инструмент по реформированию экономики, проведению глубоких структурных преобразований. Так, были введены в действие компрессорная станция на месторождениях Кукдумалак, Бухарский нефтеперерабатывающий завод, Кунградский содовый завод и др. Продуманная деятельность в области проектного финансирования позволяет решать вопросы не только экономического, но и даже политического характера, что находит свое подтверждение в приобретении Узбекистаном зерновой и нефтяной независимости.